

ФИЛОЛОГИЯ

УДК 82/89

ҚИССАЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ ВА СЎЗ ПСИХОЛОГИЯСИ

Р.Умурзақов

В статье анализируются узбекские повести XX столетия. Своеобразие повестей исследуются с точки зрения психологии слова и делаются обобщающие заключения.

In this article uzbek stories are analyzed. From the view point of the peculiarities in the stories word psychology learning, and concluded generally.

Калит сўз ва иборалар: қисса жанри, қиссачилик аънаналари, психологизм, сўз психологияси, психологик тасвир, руҳий эркинлик, биогенетик омил, социогенетик омил, автобиографик характер, “Мен жамият ичида” ва “Мен ва жамият” позициялари.

Бугунга қадар адабиётшунослигимизда қиссачилигимизга оид бир канча тадқиқотлар амалга оширилган[1]. Лекин уларнинг ҳеч бирида, айрим фикр ва бобларни ҳисобга олмаганда, қисса ва психологизм масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

Биз бадиий сўз психологиясини тадқиқ этар эканмиз, қисса жанрига мурожаат қилишимиз табиийдир. Аввало, шуни айтиш лозимки, психологик тасвир жиҳатидан қисса жанри катта аҳамиятга эга. Чунки, ушбу жанрнинг бош талаби асар сюжетининг ягона қаҳрамон ҳаётининг драматизмига бой, лирик талқинга мойил лаҳзаларини тасвирлашга асосланган. Ягона қаҳрамон ҳаётига оид воқеалар тасвирида ижодкор унинг қалб драматизмини чуқур ва ҳар томонлама очишга интилади. Бунда бутун тасвир восита ҳамда усуллари алоҳида шахс фаолиятига қараб йўналтирилади: бир ўринда бирор эпизод ёки табиат чизгилари унинг ғамгин, маъюс ҳолатларини акс эттиришга хизмат қилса, иккинчи бир ўринда тасвир воқелик, муҳит ва вазият талаби билан қаҳрамоннинг шод ва масрур ҳолатларини кўрсатишга йўналтирилади. Бир сўз билан айтганда, қиссалардаги руҳият тасвирининг имкониятлари муайян даражада ижодкорнинг мақсад ҳамда маҳорати билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Мана шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қисса воқеликни бадиий акс эттиришда маълум даражада субъектив жанр ҳисобланади. Бу субъективлик асарнинг ягона қаҳрамон саргузашт ва кечинмаларига асосланишида намоён бўлади.

Ўзбек қиссачилиги минглаб йиллик тарихга эга. “Халқ китоблари” замонавий қиссачилигимизнинг генезиси ҳисобланади. Қиссаларни бирлаштирувчи умумий хусусият уларда биографик элементларнинг кўпроқ камраб олинишидир. XX асрда ўзининг янги босқичига кўтарила бошлаган ўзбек насрида қиссанинг ўрни муҳимдир. Академик А. Абрамович “ўрта эпик жанр” деб атаган қиссачиликда бу даврга келиб бир талай ишлар амалга оширилди. Янги аср қиссаларида ижтимоий-психологик тасвир етакчи бўлди. Ф.ф.д. А. Холмуродовнинг таъкидлашича, XX аср қиссачилиги трансформация орқали ривожланди. Аср бошларида шунинг учун ҳам мумтоз аънавий қиссачиликдан чекинилди. Бу объектив омил бўлиб, субъектив омил эса, ижодкорнинг дунёқарашидир [2]. Бу асрда бутун насримизда филтрация жараёни кечди. Қиссачилик ҳам шу асосда ривожланди. 30-йиллар қиссачиликда юксалиш даври бўлди. Бу даврда коллективлаштириш, кулоқлар ўтмишини кўрсатиш кучайди. 40-йилларда Ватан мудофааси, 50-йилларда мамлакатни тиклаш масалалари биринчи планга олиб чиқилди. 70-80-йилларда янги тўлқин сезилди. Бу давр қиссачиликда бурилиш даври

бўлди. Миллийликка интилиш кучайди, бу эса инсон образини калби, руҳияти билан тасвирлаш имконини берди. Шунинг учун бу даврда қисса жанри “хукмрон” бўлди. Давр нуктаи назаридан ўзбек қиссачилиги шу асосда ривожланди. Ундаги психологизм эса, тан олиш керакки, 70-80-йилларда инсон ички олами кенг тасвирланиши орқали таъминланди. Бироқ чин санъаткор адибларимиз ҳар қандай шароитда ўз бадиий-эстетик мақсадларини руҳият воситасида амалга ошира олганлар. Сиёсий тазйиқ остида ҳам бадиий сўз орқали эрк ва озодлик образларини яратиб, юмор воситасида замона устидан қаҳ-қаҳ уриб кулганлар.

Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси юқоридаги каби фикрларга тўртки беради. “Шум бола” қаҳратонда қулф уриб гуллаган бодом, Чўлпон ибораси билан айтганда, қор кўйидаги лола янглиғ кишини ҳайратга солади”[3]. Қисса қаҳрамони асл исми пинҳон тутилган Шум бола, 14-15 ёшли ўсмир йигит. У ярим йиллик саргузашти давомида ҳаётнинг барча жавҳаларини, ундаги икир-чикирларгача кўздан кечиради. Чунки агар ерда зулм кўпайса, ижодкор мавзу ва маконни ўша ердан олисга кўчиради, қаҳрамонларини саргузаштга чорлайди ёхуд воқеа-ҳодисаларни арши алога кўчиради. Ғ.Ғулом қаҳрамони саргузаштга чиқади. Муаллиф ўз бадиий ниятини саргузашт давомида англашиб боради. Қиссадаги реал воқеликлар ғайришуурий тарзда акс эттирилади. Руҳият биринчи планга олиб чиқилиб, ақл иккинчи даражали қуролга айланади. Агар Шум бола ақл эгаси сифатида гавдалантирилганда бу каби эркинликларга эга бўлмасди ва асар ҳам ҳозиргидек мавқе қозонолмасди. Муаллиф буни англаган ҳолда ўз қаҳрамонига катта руҳий эркинлик беради. Бадиий асарда руҳий эркинликни таъминлаш эса бадиийликнинг муҳим асоси саналади.

Адабиётшунос Баҳодир Саримсоков бадиийликнинг руҳий ва ақлий асослари ҳақида кенг тўхталиб, кўйидаги фикрларни айтади: “Агар образ таркибида ақл (рационализм) килса, образнинг таъсирчанлигига, кенг маънода бадиийлигига раҳна етади. Мана шу боис кечинма ижодкор қалбига ғулув солган, унинг руҳини чулғаб, фикри-зикрини банд этган жараён сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бадиий кечинманинг ҳам ҳиссий, ҳам ақлий нисбатини қай даражада уйғун камраб олинishiга қараб бадиий образнинг баркамоллик даражаси белгиланади”[4]. Қиссада руҳий кечинма ва туйғу болада ривожланган бўлиб, уни шакллантириш, бутун бошли мафкурага қарши қўйиш, ақл билан тизгинни бошқариш ёзувчининг ўзида қолган. Муаллиф ва қаҳрамон ўртасидаги ақлий ва руҳий асослар уйғунлашиб асар бадиий қимматини таъминлаган.

Совет даврида муаллифлардан қаҳрамонларининг ижтимоий фаолликлари талаб қилинган. Шунинг учун ҳам Ғ.Ғулом Шум боласи ҳаракатланиши, саргузаштга чиқиши керак эди. Шум бола қиссада юмор воситасида шундай ҳаракатланидики, бу унга тўла руҳий эркинлик беради ва бу эркинлик уни мафкурага эмас, унга қарши ҳаракатлантиради. Қулги орқали муаллиф ўзи ва қаҳрамонини ҳимоялайди. Натижада қиссада ёш, замонавий Хўжа Насриддин гавдаланади. Афандитабиат образлар адабиёт учун мангу қаҳрамондир. Инсоният эса, мангу қаҳрамонларсиз яшай олмайди. Шу боис уларнинг замонавий вариантлари асарда бўлиши асар яшовчанлигини оширади. Афандитабиат Шум бола ҳаётнинг барча макониди: бозорда, такяхонада, хонадонда, кўчада, қир-адирда сайр қилади ва одамларнинг бою камбағалини, савдогар-қосибини, домлаю деҳқонини, эшону чўнтаккесарини кўради. Воқеа-ҳодисалардан ўзига хулосалар ясайди. Хулосалангунга қадар воқеалар ва замона устидан обдон кулади, ўзича таҳлиллар қилади.

Миллий аскиячилигимизда пайров тушунчаси бор. Аскиялашув маълум пайров бўйича давом эттирилади. Пайровдан чиқиш мағлубият саналади. Пайровнинг асосий хусусияти шундаки, у тенгликни таъминлайди. Унга қўшилганнинг ёши, мансаб-мартабаси унутилади. Шум бола ҳам қиссада маълум пайров бўйича ундан чиқмай, оғишмай ҳаракат қилади. Унинг пайровидан мақсад фаш қилиш. Айниқса, бозор тасвирида бу нарса яққол сезилади. “Зеро, бозор-иқтисодий ҳаёт барометри, унда халқнинг иқтисодий ҳолати кўзгудегидек акс этади. Шу боис ҳам қиссада бозор, ундаги

савдо-сотик тасвирига қайта-қайта дуч келамиз (бизнингча, айти шу нукталар тасвирида кўпроқ адибнинг таҳлилий нигоҳи сезилади)»[5]. Мана ўша таҳлилий нигоҳ: “Атторликни айланиб чиққандан кейин бир қозоқнинг боласи:

– Дада, бу дўкондорлар нима иш қиладилар? – деб дадасидан сўраган экан:

– Эй, ўғлим, булар бозор куни халқни алдайдилар, бегим куни бир-бирларини алдайдилар, – деб жавоб берган экан дадаси. Бироз камситиб айтибди. Булар ҳар куни, ҳар соат халқни алдайдилар”[6].

Шум боланинг ўсмир ёшда бўлиши диққатга сазовор. Ёш давлари психологиясига кўра, у ўтиш даврини бошдан кечираётган, ривожланаётган ўсмирдир. Бу даврда ўсмирнинг “мен”и қайтадан шаклланади. Унинг атрофидагилари, айниқса, ўз-ўзига муносабати, қизиқишлари, қадриятлари йўналиши кескин ўзгаради. Психологлар ўртасида ёшни давраштиришда тафовутлар бор, лекин барча психологларнинг таснифига кўра ҳам Шум бола ўсмирдир. Психолог Д. И. Фельдштейннинг фикрича, шахс шаклланиши жараёнида иккита катта тараққиёт босқичини босиб ўтади. Бу “Мен жамият ичида” ва “Мен ва жамият” деган позициялардир. Бу босқичларни босиб ўтиш учун шахсга камида беш-олти йил керак бўлади. Шум бола эса, олти ой ичида бу босқичлардан ўтиб, ўз-ўзини англашга етиб боради. Бундан англашиладики, Шум бола динамик тарзда ривожланувчи характер, унинг характери динамикасига ижтимоий ҳаёт ҳодисалари туртки беради. Динамик ҳолатни баҳолаш, текшириш, унда иштирок этиш натижасида Шум болада динамик “мен” шакллана бошлайди. Қишлоқдан бадарға бўлган, шаҳарга тушиб оиласига кўмаклашмоқчи, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилаётган Шум болага мавжуд шароит имкон бермайди. У шаҳар ҳақида шундай хулосага келади: “Шаҳар. Савдогарлар, миршаблар, гадоилар шаҳари. Селдан сўнг лойқаланиб оққан дарё. Шу дарёнинг мурдор тўлқинлари ичида мен шўрлик нима, битта хасчўпдек ютилиб кетишим мумкин. Аммо мен ўзим эса шаҳарни астойдил ёмон кўраман”[6,97].

Шум бола тилидан айтилаётган бу гаплар аслида муаллифнинг хулосаларидир. Қисса воқеалари XX асрнинг 10-йилларида кечиши, бу даврда муаллифнинг ўзи ҳам айнан ўсмир ёшида бўлганлиги ҳукмрон мафкура гумашталарини асосий масаладан чалғитган бўлиши мумкин. Аслида юқоридаги фикрлар муаллиф онг остидаги руҳий эркинликка ташналикнинг рамзий ифодасидир. “Селдан сўнг лойқаланиб оққан дарё” бу шўролар давридаги халқнинг рамзий таърифидир. Сел (инқилоб) дарё (халқ)ни лойқалаган (булғаган). Энг ёмони “мурдор тўлқинлар”. Улар ҳеч кимни аямайди, фақат мурдорлик қилади, ўлдиради. Муаллиф “мурдор тўлқинлар” деганда катагон сиёсатини назарда тутди. Бу сиёсат олдида ўзи ҳам “битта хасчўпдек ютилиб” кетиши мумкинлигини ҳис қилади. Мана маддоҳликда, замонасозликда айбланиб келинган муаллифнинг шўро сиёсатига қарши онг ости туғёнлари: “Мен ўзим эса шаҳарни астойдил ёмон кўраман”.

Ижод аҳли эркинлик кишилари эканлигига ва ижод маҳсули эркинлик меваси сифатида майдонга келишига шубҳа йўқ. Ғ. Ғуломнинг онг остида ҳамиша руҳий эркинликка ташналик яшаб келган. Ҳукмрон мафкура тазйиқи остида бу ташналик яна ҳам ортган. Руҳий ташналикни ифодалаш учун унга рамзий образ, айнан Шум бола керак эди. Муаллиф унга бадиий, рамзий сўз воситасида ўзидаги руҳий ташналик, ўткир юморни юклай олган. Натижада Шум бола ўсмирликдаёқ ўз-ўзини англаган, бутун мафкурага қарши чиқа олувчи, етарли даражада мукамалликка эришган бадиий образ сифатида гавдаланган. Шум бола–ўсмир йигит, лекин унинг яратувчиси ўз ўлчови, тажрибасига эга, авжи етилган ижодкордир. Шунинг учун ҳам Шум бола рамзий образ сифатида ўз китобхонини ҳайратлантиради. Қиссанинг номи, ундаги ҳаёт, бозорлар тасвири, персонажлар, ҳатто, қиссадаги давр ҳам рамзийдир. Қисса рух эркинлиги ҳосиласи сифатида майдонга келган. Ижоддаги рух эркинлиги эса адабиётга ҳамиша нодир намуналарни ҳадя этиб келган.

Ойбекнинг “Болалик” қиссаси автобиографик характерда бўлиб, унинг бош қаҳрамони – Мусавой, яъни бўлажак адибнинг ўзидир. Қисса бола тилидан ҳикоя

килинади. Ундаги воқеалар Ойбекнинг болалик хотираларидир, лекин муаллиф фақат хотиралар билан чекланиб қолмасдан, ўша даврнинг йирик воқеаларини ҳам тасвирлайди.

Қисса воқеалари XX асрнинг 10-йилларида кечади. Бу давр адибнинг айна болалик давридир. Адабиётшунос А. Расуловнинг таъкидлашича, “Ойбек даврларни яхши эслайди. Аниқроғи, XX асрнинг 10-йиллари воқелиги, одамлари Ойбек ижодининг ўқ илдизидан бирини белгилайди. У “Бобом”, “Болалик”, “Бахтигул ва Соғиндик”, “Улуғ йўл” асарларида шу даврни тасвирлайди. Демокчимизки, Ойбек ижодини ўрганганда биографик методни зинҳор унутмаслик керак”[7].

Бизнингча, бадиий сўз таҳлилида асар моҳиятини бевосита матн орқали англаган муҳим. Яъни муаллифдан матнга эмас, матндан муаллифга томон борган маъқул. Гарчи, “Болалик” қиссаси воқеалари мемуар тарзда бўлса ҳам, муаллиф унга бир қанча ижтимоий руҳ бағишлайди. Бу нарса асарнинг кейинги бобларида ижтимоий воқеаларнинг ёрқинлашувида кўринади.

Маълумки, биографик характердаги асарларда сюжетларни етказиб берадиган энг яхши манба бу инсондир. Шу маънода муаллифнинг болалиги ва қиссада ёш Мусавойнинг пайдо бўлиши ижтимоий воқеаларни тасвирлашда бир баҳона ҳолос. Биз Мусавой воситасида ўша даврдаги ўзбек халқи ҳаётини, ижтимоий муҳитни англаймиз. Бунда ёзувчи болалар адабиётига ҳос бўлган бош қаҳрамон саргузаштидан кенг фойдаланади. У Мусавойни оиладан олиб катта ижтимоий ҳаётга таштайди. Мусавой оиласида гарчи уч авлод вакиллари бирга яшасада, унинг ҳаёт ҳақидаги фикрлари ижтимоий ҳолатларни кузатиш натижасида шаклланади.

Рухшунослик бўйича илмий манбаларда эътироф этилишича, XX аср бошларида болалар психик тараққиёти манбаларини ҳар томонлама талқин этувчи иккита оқим пайдо бўлди. Бу бир-биридан бола тараққиёти асосига қандай омилни олишига қараб фарқланувчи биогенетик ва социогенетик омиллардир. Биринчи оқим тарафдорларининг фикрича, ирсият бола ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Иккинчи оқим тарафдорларининг фикрича, бола тараққиётининг бирдан-бир омилли – бу муҳитдир. Инсонни ўрганиш учун у ўсган муҳитни таҳлил қилишнинг ўзи кифоя[8].

“Болалик” қиссасидан бола ривожланишида ижтимоий муҳит ва социогенетик омиллар муҳим эканлигини англаш мумкин. Чунки, Мусавойнинг ҳаёти асосан ижтимоий муҳитда: бозорда, кўчада ўтади. Мусавой ҳам Шум бола каби ўсмир йигит. Фақат Ғ. Ғулом Шум боланинг 5-6 ойлик саргузаштини тасвирласа, Мусавойнинг камида ўн йиллик ҳаёти акс эттирилади. Унинг ёши (4-14) муаллиф томонидан аниқ кўрсатилади. Шум бола қиссага тайёр ўсмир сифатида кириб келади. Унинг ҳаракатлари ва дунёқараши динамик тарзда ривожланади. “Болалик”да эса ўзгача ҳолат. Мусавой болаликдан ўсмирликкача бўлган даврни тадрижий тарзда босиб ўтади. Натижада қиссада тасвир кўпайиб кетади. Бу эса қаҳрамон руҳиятини ички туғёнлари билан тасвирлашни чеклагандай бўлади. “Шум бола”да эса ҳаракат кучли. Ғ. Ғулом қаҳрамони турли ситуацияларда ўзини тутиши, қилиқлари, гап-сўзлари билан ўзини тўла намоён этади.

Маълумки, қаҳрамон руҳияти монолог ва диалогларда очилади. “Болалик”да диалогларга катта вазифалар юкланмаган. Мусавойнинг диалоглари фақат тенгқурлари ва танишлари доирасида бўлади. Шум болани эса, биз диалоглардан англаймиз, у ҳаётнинг барча табақа вакиллари билан мулоқотга киришади ва уларнинг кўпида ғолиб келади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Совет даврида ёзувчилардан қаҳрамонларининг ижтимоий фаолликлари талаб қилинган. Бу эса қаҳрамоннинг сунъий ва юзаки тарзда тасвирланишига сабаб бўлган. Натижада уларнинг руҳияти очилмай қолган. Бу нарса болалар адабиётининг айрим намуналарида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Н. Фозиловнинг “Саратон” қиссасидаги Тўра шундай қаҳрамон. Унинг ижтимоий фаолликлари мафкурага хизмат қилдирилган. Биз таҳлил этаётган қиссалардаги қаҳрамонлар ҳам ҳаракатдаги ижтимоий фаол қаҳрамонлар, лекин уларнинг ҳаракати бирида мафкурага қарши, иккинчисида ўша давр халқ ҳаётини ойнадек тасвирлашга йўналтирилган. Бунда

муаллифлар руҳият тасвиридан усталик билан фойдаланганлар, яъни ўзларининг бадиий-эстетик мақсадларини қаҳрамон руҳиятига, матн остига сингдириб юборганлар.

Ойбек автобиографик услубни қўллаб ўзини бироз чеклагандай бўлади. Қаҳрамонига Шум бола каби тўла эркинлик бера олмайди. Шундай бўлсада, кўп ўринда руҳиятидаги эрка ташналикни қаҳрамонига кўчиришга уринади. Масалан, “Мақтаб жаҳаннам каби туюлади. Ҳар соат, ҳар дақиқа “озод” сўзига интизормиз”[9]. Парчадаги “озод” сўзи фақатгина “танаффус, уйга жавоб” маъносида эмас, унда бир умр тазйиқ остида яшаган муаллифнинг руҳияти ҳам акс этган. Матнда “озод” сўзи қўлланишининг ўзи муаллифнинг руҳий эркинликка ташна бўлганини кўрсатади.

1965 йил эълон қилинган А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” асари қиссачилигимизда ўзига хос ўринга эга. Қисса автобиографик характерда бўлиб, бир қанча ҳикоялардан ташкил топган. Асар автобиографик услубда бўлса ҳам, муаллиф ўзи ва оиласи ҳақидаги воқеаларни батафсил ҳикоя қилмайди, асосий мақсадни ўша давр халқ ҳаётини ёритиш, ўтмишни реал тасвирлашга қаратади. Бундан ташқари, қисса бир неча ҳикоялардан ташкил топган бўлса ҳам, улар ғоя ва мазмун жиҳатидан бир бутунликка эга. Қиссадаги ҳар бир ҳикоя ўтмишнинг маълум бир воқеасини, ундаги одамлар типини реал тасвирлашга хизмат қилдирилган.

А.Қаҳҳор ижоди давомида “Ўтмиш” сўзига бир неча бор мурожаат этган. Бу сўзни “Даҳшат”, “Ўғри”, “Бемор” каби ҳикояларида сарлавҳа билан эпиграф ўртасида қўллаб, танкидий реализм тигини ўтмишга қаратаётгандай бўлади. “Ўтмиш” сўзида ҳиссий-бўёқдорлигига кўра қора ранг кўпроқ. Инсониятнинг ўтмиши бор, тарихи бор. Шу маънода ўтмиш тарих бўлолмайди. Ўтмиш кўпроқ қора кунлардан иборат бўлади. А.Қаҳҳор қиссасини “Ўтмишдан эртақлар” деб аташ орқали XX аср бошидаги ўзбек халқининг “қора кунлар”ини тасвирламоқчи бўлади. Қиссадаги ҳикоялар гарчи “эртақлар” деб номлансада, уларнинг реал воқеа эканлигига шубҳа йўқ. Қисса тахминан ўн йиллик воқеаларни ўз ичига олади. Қисса воқеаларини уста Абдуқаҳҳор оиласи бирлаштириб туради. Воқеалар ёш Абдулла тилидан ҳикоя қилинади.

“Шум бола” ва “Болалик” қиссаларида қаҳрамонларнинг ўзи саргузаштга чиқади. “Ўтмишдан эртақлар”да эса, бутун оила кўчиб юради. Мана шу кўчиб юришлардан ўтмишнинг мудҳишлигини кўриш мумкин. Аввало, кўчиб юришларга жаҳолат сабаб, қолоқлик сабаб. Уста Абдуқаҳҳор оиласи яхши даромад, яхши жой истаб кўчмайди, балки уни оми халқ кўчишга мажбур қилади. Уч кўчиш бир ёнғин билан тенг (Б. Франклин). Кўчишлар натижасида оила бор-будидан ажралади, Абдуқаҳҳор бошқа иш излашга мажбур бўлади, асосийси ёш Абдулла мунтазам таълим ололмайди. Қиссадаги халқнинг жаҳолати, қолоқлиги бугун эртақдек туюлиши мумкин. Аслида улар аччиқ ҳақиқат эди. Қисса аввалида саксонлардан ошган кампир шайтон арава шабадасидан кўрқиб кетиб ўлиб қолади. Одамлар кишлоқдан файз кетганини шу шайтон арава билан боғлашади. Яна “Зингер” тикув машинасини халқ дастлаб ҳайратланиб томоша қилади, кейин “Зингер” тиккан кийим намозликка ярамайди” деган хулосага келади. Уста Абдуқаҳҳорнинг фарзандлари биринма-кетин ўлавергач, у туғилажак фарзандини замонавий туғриқхонада дунёга келтирмоқчи бўлади. Бунга обдон қаршилиқлар бўлади, сўнг у ерда туғилган болага ҳамма маҳлиё бўлади, “одам зовути”дан ҳайратланишади. Бу воқеалар ўша даврдаги халқнинг дунёқарашини аниқ кўрсатади. Қиссадаги бундай ҳолатлар китобхонда нафрат ва кулгу уйғотади. Жоҳилликлар олиб келган натижалардан нафратлансак, халқнинг ҳаракати, сўзлари, велосипедга – шайтон арава, туғриқхонага – одам зовути деб образли ном беришлар бизда кулгу кўзғайди.

Албатта, одамлардаги жаҳолат ўз-ўзидан эмас, бунга жамият, уни бошқараётган мафкура сабабчи. Бу жамият учун ўз аъзоларига таълим-тарбия бериш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини танитиш бегона. Бу эса жаҳолатни авж олдиради.

Маълумки, реализмни психологизмсиз англаб бўлмайди. Реалистик асарларда психологизм қаҳрамон ўй-ҳаёли, портрети, диалоглар, ички монологларда намоён бўлади. Биз таҳлил этаётган қиссада юқоридаги ифода усулларини қўллаб учратиш мумкин.

Айникса Савринисо ва Бабарнинг руҳияти ички монолог ва диалогларда якқол очилган. Савринисо қиссадаги ягона ўсмир қиздир. У ҳам жаҳолат қурбонига айланади. У отасининг раъйига қарши ҳеч қандай ҳаракат қилмайди, исён кўтармайди. Бундан унинг эркисизликда, ҳақ-ҳуқуқсизликда ўсганини билиш мумкин. Шундай бўлсада, унинг тақдиридан норозилиги, айни дамдаги руҳияти ички монолог сифатида намоён бўлади: “Савринисо ўйчан, лекин беихтиёр товуш чиқариб гапира бошлади:

- Поезд мени чақиряпти... Чақир! Каттиқрок чақир, бораман! Мени узоқ-узоқ юртларга олиб кет!” [10].

Савринисода ички куч йўқ. У муҳитга қарши чиқа олмайди. У фақат поезддан мадад кутади. Ёзувчи поезд деталидан унумли фойдаланади. Поезд Савринисо учун орзу, уни ҳалокатдан қутқарувчи куч сифатида гавдаланади. Ота-онаси, яқинлари, умуман, инсон зотидан мадад ололмаган Савринисо поезддан нажот кутади, уни узоқ-узоқ юртларга олиб кетишини истайди. Бу истакнинг ўзиёқ унинг ўлимига сабаб бўлади.

Қиссада ўтмиш воқеаларига кўп мурожаат этилсада, инсон образи биринчи ўринда туради. Воқеаларнинг инсонга таъсири, воқеалар ривожда инсон қиёфасининг намоён бўлиши орқали ўша давр одамлари характери аниқ кўрамиз. Психологиядан маълумки, инсоннинг характери ижтимоий муносабатлар натижасида шаклланади. Ижтимоий муҳит инсон характериға тамға каби босилади. Инсон характериға караб унинг қандай жамиятга мансублигини аниқлаш мумкин. Ижтимоий қолоқлик, жаҳолат, ҳуқуқсизлик ҳукм сурган жамиятда Бабар қабиларнинг бўлиши табиий эди. Унинг хотинини қутурган ит қопади ва бу тасодиф иккисининг ҳам ўлимига сабаб бўлади. Асардаги ҳар бир тасодиф, ҳодисалар фожа билан якунланади. Уларни вақтида ҳал қилишга жаҳолат, ҳуқуқсизлик имкон бермайди.

Биз таҳлил этаётган асарлар ичида А.Қаҳҳор қиссаси ўзига хос хусусиятларга эга. Воқеаларни тасвирлашда муаллиф нейтралликка амал қилади. Бирор ўринда воқеаларга аралашмайди, қиссада қанча фожа юз беради, қанча инсон ўлади, лекин муаллиф буларга нисбатан фикрини овоз чиқариб айтмайди. Яратадию жим тураверади. Хулоса чиқаришни китобхонга қўйиб беради.

Бундан ташқари, А.Қаҳҳор сўз қўллашда ўзига хос услубга эга. У ўзбек тилининг синтактик қонуниятларидан усталик билан фойдаланади. Тилимиздаги эга-кесим муносабатига катта эътибор қаратади. Унинг деярли ҳар бир гапи кесимли. Кесим сўз ҳаракатини беради. Ҳаракат эса руҳиятни англатади. Қиссада бадий сўз воситасида ўтмиш воқеаларининг ўша давр одамларининг бадий манзараси чизилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 80-йиллар қиссачиликда туб бурилиш даври бўлди. Бундай туб бурилишлар, аввало, инсон ички олами, унинг руҳияти бадий талқин этилганлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, бу давр қиссачилиги ижтимоий реал воқеалар асосига қурилганлиги билан ҳам характерланади.

80-йиллар қиссачилигини Т.Муродсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айтип мумкинки, бу давр қиссачилигини хулосалашда Т.Муроднинг ижодий янгилигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Т.Мурод икки даврда: якун топаётган ва қарор топаётган даврда ижод қилди. У қиссачиликда бир қанча янгиликларни амалга оширди. Адабиётшунос А.Холмуродов Т.Муроднинг қиссадаги ютуғини миллийлик ва зид фикрларни келтириб чиқаришда деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, эпик баён шакли, шиддатли руҳиятни тасвирлаши, керакли ўринларни айтиши, китобхонни доимо сергак ҳолда ушлаб туриши ёзувчининг ўзига хос хусусиятларидир. Т.Мурод бадий сўз воситасида қаҳрамон руҳиятини аниқ тасвирлайди, матндаги саъж, такрорлар таъсирчанликни оширади. Яна бир муҳим хусусият шундаки, Т.Муродда руҳият авж нуктада, қисқа гапларда очилади. Бундан унинг “От кишнаган оқшом” қиссаси мисолида кўриш мумкин.

Қиссанинг бош ғояси – инсонийлик. Ундаги воқеалар барча қиссаларга хос равишда кетма-кетликда содир бўлади. Қиссадаги воқеалар Зиёдулла кал атрофида бирлашади. Зиёдулланинг жисмоний нуқсони бор. Унинг нега кал бўлиб қолгани маълум эмас. Аммо муаллиф уни кал қилишдан маълум мақсадни кўзлаган. Чунки, Зиёдулланинг

кал бўлиши жамиятдан кетишга, ундан воз кечишга ва табиатга яқин бўлишга бир баҳона эди. Биринчи жумла: “Биродарлар, кўргилик, кўргилик!”[11] Аслини олганда, соч тўкилиши кўргилик эмас. Лекин Зиёдулла жамиятида бу кўргилик эди. Муаллим, бутун синф, кейинчалик жамият унинг устидан кулади. Натижада Зиёдулла жамиятдан беғубор табиат сари кетади. Жамият кулгуси туфайли у “бешинчи синф калла”си билан қолиб кетади. Шу тарика қисса воқеалари ривожланади. Бир томондан, Зиёдулланинг каллиги жамиятга қарши бўлишга бир баҳона бўлса, иккинчи томондан, унинг характерини шакллантиради, яъни у ўзи тез-тез таъкидлаб тургандек, араз урушни яхши кўрадиган, ўжар кимсага айланади. Қисса аввалиданоқ унинг характери шаклланади. У от сотиб олиб (от – табиат рамзи) бутун жамиятни фош қилишга киришади. Руҳшунослик манбаларидан маълумки, реал ҳаётда ҳам жисмоний нуқсонли кишилар Зиёдулладаги каби хусусиятларга эга бўладилар, уларда ўзларини жамиятга солиштириш натижасида ўжарлик, тескари оппозицияда туриш етакчи бўлади. Қиссада Зиёдулланинг ҳаракатлари табиий чиққан. Биз унинг жамиятни фош қилувчи кучидан ҳайратланамиз ва унга ҳайрихоҳлик билдирамыз.

Воқеалар давомида Зиёдулла жамиятнинг бир қанча вакиллари: мухбир, раис, баковул, сотувчилар устидан кулади, уларнинг кўрқоқлиги, лоқайдлиги, ноҳалоллигини фош қилади. Бунга у ҳалоллиги ва кулги воситасида эришади. Қиссада бир қанча исмлар ва жамият вакилларининг номи бор. Маълумки, асарда қаҳрамон ўз исми билан аталса, кўпроқ хусусийликка эга бўлади, агар у исмсиз қолдирилса, умумийликка хизмат қилади. Муаллиф ҳам район вакилини “катта” дегизиш орқали бутун катталарни назарда тутади ва уларга хос калондимоғлик, мансабпарастликни тасвирлайди.

Қиссада табиат ва жамият муаммоси илгари сурилади. Зиёдулла табиат ва жамиятни бирлаштирувчи, бунинг натижасида жабрланувчи характердир. У ноҳақликка чиолмайди, ноҳақликни кўрса қараб туролмайди. “орачига – олти таёк”лигини билсада, бозордаги муштлашишда ноҳақ калтак еганининг ёнини олади, ўзи ҳам калтак ейди. Адолат қарор топиши учун неча бор районга қатнайди, ҳақиқат учун гувоҳлик беради. Натижа эса бошқача бўлади, безорилар кутулиб қолади ва Зиёдуллани топиб келиб калтаклайдилар. Зиёдулланинг шу ҳолатдаги руҳияти ниҳоятда таъсирли чиққан:

“Туриб ўтирдим. Теваракка алангладим. Район ўнг ёғимдаги адирлар ортида бўлди. Кўринмади. Қишлоқ чап ёғимдаги адир ортида бўлди. Қишлоқда кўринмади. Осмон бошимда бўлди. Бари-бари олисда бўлди” [11, 212]. Бу ҳақиқат истаган, одамларга яхшилик қилмоқчи бўлган инсоннинг ачинарли ҳолати эди. Кўр жамият уни яна дўппослади, у табиат кўйнида бир ўзи ёлғиз қолди. Унга адолат истаб боргани район (давлат) ҳам, қишлоқ (жамият) ҳам ёрдам бермади. Фақат Тарлонгина (табиат) уни тушунди, унга ёрдам берди.

Қисса давомида қаҳрамонимиз етмишга яқин ўринда жамиятга “биродарлар” деб мурожаат этади, аммо жамият биродарлик қилмайди. Қисса сўнгида Зиёдулла жамиятдан юз ўтиради, фақат Тарлоннигина “биродарим” деб атайди. Тарлон психологик тимсолдир. Унда муаллифнинг, қаҳрамоннинг руҳияти намоён бўлган. Зиёдулла ва Тарлон ўртасида руҳий яқинлик бор, улар ҳамиша бирга ҳаракатланайдилар.

Қиссада “биродарлар, улоқ, кўпқари, тўй, от, Тарлон, катта” каби сўзлар рамзий маънода қўлланган, уларга маълум вазифалар юклатилган бўлиб, Зиёдулла руҳиятини, умуман, ўша давр реал ҳаётини англашимизда бизга улар калит сўз вазифасини ўтайди.

Бадий матн нуқсонсиз бўлмайди. Қиссада муаллиф одамлар лоқайдлигини янада бўрттириш учун бозорда кучук эпизодидан фойдаланади. Бу эпизодни адабиётшунос Ҳ. Каримов жуда характерли деб ҳисоблайди ва қилинаётган ваҳшийликка ит чидай олмаган, унинг эгаси балиқпаз эса бепарво, деган хулосага келади[12]. Умуман олганда, ёзувчининг мақсади ва чиқарилаётган хулоса тўғри, лекин оломон тўла бозорда “майдагина қора бир кучук”нинг бемалол юриши ва одамларга ташланиши реалистик услубга бироз мос тушмаган. Бундан ташқари, Зиёдулланинг самолёт деразасидан булутларни кўриб пахта

дейиши ҳам ишонарсиз чиққан, ҳарҳолда “бешинчи синф калла” билан қолиб кетган бола ҳам булут билан пахтанинг фаркига бориши керак эди. Умуман, Зиёдулланинг Москвага бориши қиссада функция бажармаган, фақат у воқеаларга гувоҳ бўлиш учун бориб келади. унда иштирок этмайди. Яхлит олганда, бу каби жузъий камчиликлар қиссанинг умумий қиммати ва янгилигига раҳна солмайди. Қисса услубининг янгилиги, унда қаҳрамон руҳияти тасвирининг етакчилиги, ички ритмнинг мавжудлиги билан 80-йиллар ўзбек қиссачилигининг беағдидир.

Истиклол даврига келиб ўзбек қиссачилигида бир қанча сифат ўзгаришлари амалга оширилди. Бу ўзгаришлар мавзу-муаммо, шаклий, услубий жиҳатларда кўзга ташланади. Бу давр қиссалари турли савияда бўлишига қарамай, улардаги асосий хусусият ранг-баранглиқдир.

А.Йўлдошнинг “Сунбуланинг илк шанбаси” қиссаси Истиклол даврининг илк қиссаларидан ҳисобланади. Қиссада ижтимоий воқеаларга кенг ўрин берилмайди. Унда икки ёшнинг армонли муҳаббати драматизмга бой лавҳаларда тасвирланган. Қисса ўқилдиани муаллифнинг ҳамхонаси Азим ва унинг севгилиси фожиалари ташкил қилади. Муаллиф қиссада қаҳрамонлар руҳиятини кенг очишга уринган. У қаҳрамони билан ҳамиша бирга, уни кузатади ва у ҳақда маълум хулосаларга келади. Қисса шундай бошланади: “Зоҳиран, тараддуд бир ой-қирқ кун бурун бошланган эди” [13]. Тараддуд жараёнида қаҳрамоннинг руҳияти очилади, у кутилаётган учрашувга ўзини тайёрлайди. Ҳолатлар силсиласида унинг ўтмиши ва яқин келажагининг нисбати кўзга ташланади. Ҳар ҳолда унинг руҳияти шундан дарак беради, зеро, “руҳий ҳолат аввалги ҳолат билан кейин бўладиган ҳолат ўртасидаги нисбатдан ўзга нарса эмас” [14].

Ёзувчининг маҳоратсизликда айблаб бўлмайди, балки ўз устида ишламаслик, тажрибасизлик унинг камчилиги саналади. А.Йўлдошда ҳам шу нарсалар кўзга ташланади. Қиссада у ўзини кўп намоёниш қилади, ўз позициясини ошқора айтади. очиқчасига сўкинади, очиқчасига мактайди, қаҳрамонларга нисбатан субъективлашади. Қиссадан муаллифнинг қаҳрамонларига ҳамдардлиги яққол сезилиб туради. Бу нарса муаллифнинг қавс ичидаги гапларида кўзга ташланади, қавс ичидаги гаплар орқали қаҳрамон ҳолатига изоҳ беради, ўз фикрини тикиштиради. Қавс ичидаги бундай изоҳлар Достоевскийга ўхшашлиги сезилиб туради, лекин баъзи ўринларда битта гап чўзилиб кетади, қиссада муаллиф позициясини кўрсатувчи ярим саҳифадан ортиқ гаплар ҳам мавжуд.

Муаллифнинг асосий камчилиги яна хулоса чиқаришни китобхонга қўйиб бермаслигидадир. Қиссада бир нечта қаҳрамонлар ҳаракатланади, уларнинг диалог гаплари ҳам мавжуд. Ана шу диалоглардан улар ҳақида хулосага келиш мумкин, аммо муаллиф диалоглар орасида ҳам ўз нуқтаи-назарини билдириб ўтади. Масалан, фан номзоди Ҳосил ака билан муаллиф диалогини олайлик:

–“Раҳмат, укажон! Анов масалага келсак, сиздай укашонимизнинг илтимосини қайтарармидик! Майлида, савобиям бор экан...”

Ҳа, муғомбир, мақоланию суратини нақд қилиб олгандан кейин савобни эслашини! –Бўпти келишдик!”[13, 44]

Бу ўринда муаллифнинг изоҳи ортиқча, диалогдан Ҳосил аканинг қандай одамлиги сезилиб турибди. Балки китобхон муаллиф фикрини маъқулламас, Ҳосил акани ёқлар. Шундай ҳолатларда муаллиф нейтраллигини сақлаши керак.

Бундан ташқари, қиссада “қумдай оқариб”, “шакарнинг ози ширин”, “лампочкасимон чирок” каби хато ўхшатишлар ҳам мавжуд. Бундай ўхшатишлар қисса воқеаларини англашда китобхон тасаввурига йўналиш бермайди, балки уни чалғитади.

Умуман, қисса юқоридаги камчиликларни ҳисобга олмаганда, Истиклол даврининг илк қиссаси сифатида инсон ички олами чуккур ёритишга қаратилган, янги услубдаги экспериментлардан биридир.

- [1]. Қаранг: Норматов У., Насримиз уфқлари, Т., 1974, Улуғов А., Замонавийлик ва халқчиллик. Қиссачилигимиз кирралари, Т., 1991, Холмуродов А., Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX аср сўнги чораги), ф.ф.д. диссертацияси, Т., 2008 ва бошқалар.; [2]. Холмуродов А., Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX аср сўнги чораги), ф.ф.д. диссертацияси, Т., 2008.; [3]. Норматов У., Ижод сеҳри, Т.: “Шарқ”, 2007, -Б-146.; [4]. Б. Саримсоков, Бадийлик асослари ва мезонлари, Т. , 2004, - Б – 79.; [5]. Куронов Д., “Адабиёт надир” ёки Чўлпоннинг мангу саволи, Т.: “Заркалам”, 2006,-Б-52.; [6]. Ғ. Ғулом, Шум бола, Т.: “Шарқ”, 2008,-Б- 98.; [7]. А. Расулов, Бадийлик- безавол янгилик, Т.: “Шарқ”, 2007, -Б-200-201.; [8]. Ёш психологияси ва педагогик психология, М. Ғ. Давлатшин таҳрири остида, Т., 1974.; [9]. Ойбек, Болалик, Т.: “Шарқ”, 2008,-Б- 67.; [10]. А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар, Т.: “Шарқ”, 2001, -Б-39.; [11]. Т. Мурод, От кишнаган оқшом, Т.: “Шарқ”, 1994, -Б-101.; [12]. Ҳ. Каримов, Наср бахшиси. Т. Муроднинг адабий портрети, Т.: “Янги аср авлоди”, 2003,-Б-41.; [13]. А. Йўлдош, Сунбуланинг илк шанбаси, Т.: “Шарқ”, 2008,-Б-5.; [14]. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида, Т. : “Маънавият”, 2010, -Б-309.

Адабиётшунослик кафедраси

Қабул қилинди:

20.11.2014

УДК: 809.437.5.437.5+801.3

ТИЛШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ ОЛИМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРИ

Ш.Искандарова, Т.Муминова

В статье анализированы научно-теоретические деятельности узбекских языковедов Ферганского государственного университета.

Ключевые слова: лексикография, сравнительная типология, лингвистика текста, стилистика, речевая номинация, прагматика, синергетика, структурная лингвистика.

In this article scientific-theoretical activities of Uzbek linguists of Fergana State University are analysed.

Key words: lexicography, compararive typology, characteristical research, stylistics, speech nomination, pragmatics, synergy, structural linguistics.

Фарғона давлат университети Ўзбекистоннинг энг кўхна илм масканларидан бири саналади. Ўзбек филологияси йўналиши институтнинг илк кунларидан буён фаолият кўрсатиб келади. 85 йиллик тарихий даврда мазкур йўналиш бўйича минглаб педагог кадрлар тайёрланди ва улар республикаимизнинг маънавий-маданий салоҳиятини оширишда ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Тилшунослик кафедраси 1930 йил май ойида Фарғона педагогика институтининг “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси сифатида ташкил этилди. Бу кафедра ўтган давр мобайнида ўзбек тилшунослигининг фан сифатида шаклланиши ва ривожланишида, тилшунос илмий-педагогик ходимларнинг тарбияланишида жуда катта хизмат қилди. Кафедрада академик Ғ.Абдурахмонов, профессорлар Б.Чўпонзода, А.Саъдий, К.К.Юдахин, М.Мукаррамов, А.Матғозиев, Ҳ.Узоқов, доцентлар А.Маъруфов, К.Юсупов, Т.Рустамов, Ҳ.Рустамов, И.Фармонов, Ҳ.Болтабоева, Ҳ.Фаттоҳов, Т.Турғунов каби кўплаб таникли олимлар меҳнат қилишган.